



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 29 май, пайшанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 102 (11.163)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истикбол» ёшлар қаноти Республика II конференцияси бўлиб ўтди.

• Самарқандда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Марказий банк ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан «Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ташаббуслари» мавзуда халқаро форум ўтказилди.

• Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ширин шаҳри ҳокимлиги ва «Камолот» ЁИХ ташаббуси билан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш қуни олдида «Бахтли болалик» деб номланган форум ташкил этилди.

• Тошкент вилоятининг Қумовул қишлоғида жойлашган Маънавият тарғибот марказида Куролли Кучлар сафларидан қайтган ҳамда бу йил коллеж ва олий ўқув юрталарини битираётган ёшлар учун навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Тадбир давомида 800 дан зиёд йигит-қиз ишли бўлди, таълим олишни давом эттириш ниятидаги ёшларга эса тегишли йўл-йўриқлар берилди.

• 2008 йил 1 июндан бошлаб халқаро ташувларни амалга оширадиган барча йirik авиакомпаниялар электрон билетлар сотуви тизимига ўтади. Хизмат кўрсатишнинг ушбу янги тури «Авиаташувчилар» халқаро ассоциацияси томонидан тақлиф қилинган бўлиб, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳам йўловчиларга электрон билетларни сотиб олишда замонавий технологияларнинг янги имкониятларидан фойдаланишни тақлиф этмоқда.

• Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашининг ташаббуси билан Қарши давлат университети ва Қарши муҳандислик иқтисодий институтида иқтидорли ёшларнинг илмий, ижодий иштирокчиларини қўллаб-қувватлашга қаратилган «Фан, тараққиёт ва ёшлар» мавзудаги аънанавий илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

• Урганч Давлат университети спорт мажмуасида 1990-2000 йилларда туғилган ёш каратэчилар ўртасида «Камолот» кубоги мусобақалари ўтказилди. Унда Хоразм вилояти ва Қоракўлпосгон Республикасидан жами 200 нафардан зиёд ёш спортчи беллашди.

• Урта Чирчиқ туманида «Соғлом авлод» соғлом миллат таянчи» мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши ташкил этган бу тадбирда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг дасталаби самаралари умумлаштирилди.

• Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» фаолият кўрсата бошлади. Янги марказга 10 миллион сўмлик жиҳозлар келтирилган бўлиб, компьютер ҳамда тиквучлик йўналишлари бўйича ўқув тўғрисидаги ўз эшикларини очди. Бу ерда булоқбошилик 200 нафардан ошқ ўғил-қиз билан олиши билан бирга касб маҳоратини ҳам оширмоқда.

• Чирчиқ саноат-иқтисодий коллежида ноанъанавий тадбир—ўқитувчилар, ишлаб чиқариш усталари учун семинар-тренинг ўтказилди. Унда «Ёшлар йили» Давлат дастури вазифаларини бажаришда устозларнинг билим ва малакаси, ташкилотчилик салоҳияти яна бир бор синаб кўрилди.

ЖАҲОНДА

• 23 та мамлакатдан келган 600 дан ортиқ молия соҳаси мутахассислари ва сёнсатчилар Санкт-Петербургда ўтказиладиган Халқаро банк конгрессида иштирок этдилар.

• Ливаннинг янги Президенти Мишель Сулаймон Фуад ас-Синьорани мамлакатнинг бош вазири этиб қайта тайинлади.

• Франция Президенти Николя Саркози Польша билан стратегик ҳамкорлик тўғрисида декларацияни имзолади.

• Яқинда сайланган Непал Конституцион йиғилиши депутатлари мамлакатнинг 240 йиллик монархия тузумини бекор қилиб, Непални республика деб эълон қилишди. Қироллик резиденцияси эса миллий музей деб эълон қилинди. Ушбу воқеа мамлакатда катта байрам сифатида нишонланмоқда.

• Аргентиналик фермерлар 28 майдан 2 июнгача хоржга дон маҳсулотлари экспорт қилишни тўхтатишди. Гап шундаки, фермерлар маҳсулотларга қўйилган бож нархини ҳақдан зиёд ошиб кетганлигидан норози бўлишмоқда.

• Жаҳон савдо биржаларида бир баррел нефтининг нархи тарихий мезон — 130 доллардан юқорига кўтарилди.

• Еврокомиссия Приднестровье муаммосини ҳал этиш учун Молдовага махсус фонд ташкил этишини тақлиф қилди.

• 76 ёшли непаллик спортчи Мин Бахадур Шерчан денгиз сатҳидан 8846 метр баляндликка кўтарилиб, Эверестни забт этди ва япониялик 71 ёшли Какусукка Янгисаванинг рекордини янгилаб, дунёдаги энг кекса альпинист деган номга эга бўлди.

• Туркия ҳукумати Эгей денгизи қирғоқларидаги ўнлаб қўмилиш ҳавзаларини ёпишга мажбур бўлмоқда. Бунга сабаб, сўнгги пайтда мамлакатнинг Бодрум ва Мармарис сайёҳлик худудидаги қўмилиш ҳавзаларида ақуларнинг одамларга тажовуз қилган ҳолатлари кўпайиб бораётганидир.

2008 — Ёшлар йили



БОЛАЛАРГА АТАЛГАН БАЙРАМ

Тадбирга пойтахтимиздаги серфарзанд кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизлари, Меҳрибонлик, Муруват уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари тақлиф этилди.

Юртимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ўз Ватани тақдир, бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган авлодни камол топтиришга устувор масала сифатида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маданий-маърифий соҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган туб ислохотлар айна шу мақсадга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда жаҳон андозалари даражасидаги таълим-тарбия, тиббиёт, спорт-соғломлаштириш масканлари, оилавий поликлиникаларнинг барпо этилиши, энг за-

монавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиши оила, она ва бола манфаатларининг муҳофазаси этилиши, ёш авлод саломамлигининг мустаҳкамлаши фарзандларимизнинг пухта таълим, мукаммал тарбия олиши, ўз иқтидори ва қобилиятини тўла намоён этиши, қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллаши учун кенг имконият яратмоқда.

2008 йилнинг юртимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши бу борадаги эзгу ишлар қўламининг янада кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳаётга изчил жорий этилаётган «Ёшлар йили» Давлат дастури ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ёшларнинг таълим-тарбия олишини сифат жиҳатдан юксалтириш, уларни касбга йўналтириш, ёш оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, истеъдодли ёшларни кашф этиш каби

йўналишларни ўзда мужассам этган.

Бу жиҳатлар «Тошоша» болалар театр-студияси фаолиятида ҳам ўзининг яқол ифодасини тоғмоқда. Жамо навиқрон ҳамюртларимизда миллий санъатимизга бўлган ҳурмат ва қизиқишни янада кучайтириб, уни кенг тарғиб ва ташвиқ этиб келмоқда. Айни пайтда «Тошоша» нафақат республикамиз, балки хорижий давлатлардаги нуфузли фестиваллар, санъат байрамлари, мусиқа анжуманлари, ижодий кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Кечада «Тошоша» болалар театр-студиясининг катта байрам дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

«ТУРКИСТОН» САРОЙИДА 1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ. У ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, «SEN YOLG'IZ EMASSAN», «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАЛАРИ, ҚАТОР ВАЗИРЛИК ВА ТАШКИЛОТЛАР ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



КЕЧА ПОЙТАХТДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ҲАМКОРЛИГИДА ҲАМКОРЛИК МАККАЗИДА 28 МАЙ КУНИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН — БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯСИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Саноат — иқтисодиётнинг устувор йўналиши. Унинг ялпи маҳсулотдаги улуши юқори бўлиб бориши билан бирга, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик таъминланишида, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб суръатларда ўсишига таъсири ҳам салмоқлидир. Кейинги йилларда ушбу соҳани ва унинг алоҳида тармоқларини янада ривожлантириш борасида қабул қилинган бир қатор янги меъёрий ҳужжатлар ўз самарасини бермоқда.

Тошкент шаҳар саноатининг салоҳияти кенг. Бу борада мавжуд имкониятлар ва янги йўналишларни яратишга йўналтирилган саноат-харакатлар, саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, инвестицияларни жалб этишга қаратилган ислохотлар жараёни қандай кечмоқда? Сессия кун тартибидеги ушбу масалалар шаҳар ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Баҳодир Фойибназаров маърузасида тўлиқ ифодасини бермоқда.

Пойтахтда 5870 та ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд бўлиб, шундан деярли 97 фоизини кичик ҳажмдаги субъектлар ташкил этади. Шу билан бирга худудий тасарруфдаги йirik саноат корхоналари ҳисобига ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 70 фоизи тўғри келаётир.

Жорий йилнинг биринчи чорагида шаҳарда иқтисодий ўсиш ўтган йилларга нисбатан энг юқори — 116,8 фоиз даражада таъминланди. Бунда, таҳлилларга қараганда, асосий омиллар сифатида саноат маҳсулотлари ҳажми 45,9 фоизга ошиб, 700 миллиард сўмга тенг маҳсулот ишлаб чиқарилди. Худудий тасарруфдаги 57 та корхона томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми қарийб уч маротаба ортди. Хусусан, маҳаллий хом ашё неғизида ушбу субъектлар томонидан 43,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

(Давоми 2-бетда).

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ҚАРОРИ

АЙРИМ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

2008 йил 29 июнь, яшанба куни Мирзо Улугбек туманидаги 9-Салар ва 16-Хумоюн, Шайхонтоҳур туманидаги 45-Фурқат, Ҳамза туманидаги 34-Авиасозлар ва Собир Раҳимов туманидаги 23-Танқисбоев сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови ўтказилсин.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси А.ТЎХТАЕВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 май.

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодий, савдо, ёқилги-энергетика, банк-молия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, боғхона, автомобилсозлик, фармацевтика, озиқ-овқат, энгил саноат, транспорт коммуникациялари, қурилиш материаллари, сайёҳлик, маданият, атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирилик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мажур комиссия хамраиси Р.Азимов мамлакатимиз билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг урчушуларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президент Ислон Каримовнинг жорий йилнинг март ойида Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари улкан иқтисодий салоҳиятга эга давлатлардир. Хусусан, табиий бойликлари, жўроғий жойлашуви, интеллектуал салоҳияти, қўлай сармоявий муҳити, замонавий технологияларни изчил ўзлаштириб бораётгани қўллаб-қувватлаётган юртимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда. Шу маънода ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликларининг имкониятлари катта. 2007 йили мамлакатимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 93,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Ўзбекистоннинг Бирлашган Араб Амирликларига экспорти асосан рангли металллар, ипақ, газлама ва хизматлардан (ҳаво транспорти орқали юк ва йўловчи ташини) иборат. Бир-

лашган Араб Амирликларидан резина ва каучук маҳсулотлари, кийим-кечак, майиш электроника жиҳозлари, қурилиш материаллари, мебель ва транспорт воситалари импорт қилинади.

Мамлакатимизда Бирлашган Араб Амирликлари сармоядорлари иштирокида етмишга яқин қўшма корхона тузилган. Ушбу мамлакатнинг йиғирмадан зиёд компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар савдо, озиқ-овқат, электроника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, транспорт хизмати кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатади.

Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаглик ҳамда даромад ва калитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорликка оид битимлар ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи асосида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматлараро комиссиясини тузиш тўғрисида келишувга эришилган эди. Қисқа давр ичида унинг илк мажлиси ташкил қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мажлисида Бирлашган Араб Амир-

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАККАЗИДА 28 МАЙ КУНИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН — БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯСИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мажлисида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилди, истиқболли соҳалар белгилаб олинди. Қўшма корхоналар сонини ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини оширишга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

Қасқа сатрларда

• БУГУН Тасвирий санъат галереясида ташкил этилган расом Данка Кимнинг шахсий асарлари кўргазмаси 1-июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланди.

• БУГУН Сергели туманидаги «Ёшлик» маданият уйида «Ёшлар онги ва қалбида ватанпарварлик туйғуси» мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

• ЮНУСОБОД туманида туман ФХДБ бўлими ташаббуси билан КЕЧА «Ёш оила

кунига бағишлаб ўтказилган тадбир туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

• КЕЧА Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорликларида болалар ўртасида Тошкент

шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб уюштирилган кўрик-танлов «Диллимдасан пойтахтим» деб номланди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ИИБ академиясида «Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият» мавзуда ўтказилган давра суҳбати Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

(Давоми. Б.ши 1-бетда).

Таъкидлаб ўтилганидек, қайд этилган оқори кўрсаткичларга эришишда, биринчи навбатда корхоналар молиявий ҳолати барқарорлигининг мустаҳкамланиши, уларда айланма маблағларнинг кўпайиши, инвестицияларни кенг жалб этган ҳолда модернизация қилиш, техник ва технологик курашларни жараёнларининг жадаллашуви мўҳим аҳамият касб этди. Бундай корхоналар қаторига «Тошкент трактор заводи», «Тошкент қувур заводи», «Тошкент йўловчи вагонларини таъмирлаш заводи» акциядорлик жамиятлари, «Дойче кабель», «Узэлектроаппарат-Электростит-Самара», «Фарм-Гласс», «Галла-Алтек» қўшма корхоналарини киритиш мумкин.

Асосий ускуналарни эскирган, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаётган корхоналарда таркибий ўзгаришни тадбирларини амалга ошириш натижасида жорий йил учун белгиланган 43 тасидан 22 тасида ижобий ўзгаришларга эришилди. Ҳисобот даврида «2-темир-бетон сервис» АЖ, «Алфа-текс металл», «Бетлис текстиль» каби янги фойдаланишга топширилган қўшма корхоналар томонидан 80 миллиард сўмдан зиёдга тенг санат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, умумий санат ўсиш суръатига таъсири 18 фоизни ташкил этди.

Турли молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга 109 миллиард сўмлик инвестиция киритилиб, ўсиш суръати деярли уч фоиздан ошди. Умумий инвестиция таркибида марказлаштирилган сармоялар улуши 88,3 фоизни ташкил этди. Бу эса асосан корхоналар ҳамда аҳоли маблағлари, шунингдек, тижорат банклари кредитларига тўғри келади.

Ўтган даврда хорижий сармояларнинг ҳам улуши анча салмоқли бўлиб, умумий ҳажмининг учдан бир қисмига тенг келди. Шаҳар иқтисодига 47 миллион долларга яқин тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилди. Ўзлаштириш таркибига келсак, сармояларнинг 95 фоизи моддий ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, бунда санат ҳиссасига 21,3 фоизи тўғри келаётди. Хусусан шу йилнинг биринчи чораги мобайнида санатда 40,5 миллиард сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, йирки корхоналарни модернизация қилишга 8,3 миллиард сўм сарфланди. Ушбу маблағларнинг деярли 50 фоизи ҳўжалик субъектларининг маблағларига тўғри келади. 7,7 миллиард сўм янги ускуналарни харид қилишга йўналтирилган. Техник ва технологик жиҳатдан янгиланган жараёнларга жалб этилган сармоялар натижасини «Рауфон», «Мурват-текс», «Узаксель», «Зенит-Электроникс» каби корхоналар фаолиятида яққол кўриш мумкин.

Санатнинг истиқболли ривожланишида тармоқларо ҳамкорлик фаолиятининг мўҳим йўналиши бўлиб хизмат қилиши кўтилмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг ички тармоқ ва тармоқларо санат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармойиши ижросини таъминлаш бораида илк бор республика кооперация биржаси ташкил этилган. Жорий йилнинг май ойида ўтказилган биринчи шаҳар ҳудудий санат ярмаркаси натижаларига кўра маҳсулот етказиб бериш бораида 1,1 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Айтиб ўтиш жоизки, бундай тадбирлар ўз самарасини бераётди ва келгусида маҳаллийлаштириш дастури иштирокчи субъектлари доирасини янада кенгайтириш ва шу йўсинда экспортбоп маҳсулотлар ҳажмининг ошишига асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга музокараларда сўзга чиққан депутатлар Шавкат Иргашев ва Сергей Ким таъкидлаб ўтганидек, санатнинг салоҳияти катта, аммо унинг имкониятлари тўлалигича амалиётга татбиқ этилмаган. Албатта, бу борада объектив ҳамда субъектив сабаблар бўлса-да, бироқ мавжуд низоли масалаларни энг мақбул даражада ҳал этишда изланишларни давом эттирмоқ лозим, асосий эътиборни малакали мутахассисларни кенг жалб этишга қаратиш билан бирга, зарар билан ишлаётган ва кам қувватли корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшилашда ҳар томонлама кўмак бериш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу фикрлар ва таклифларни инobatта олган ҳолда кун тартибидаги биринчи масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шаҳар кенгаши сессияси даражасида биринчи марта туманлар кесимида, хусусан Юнусобод тумани мисолида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлида олиб борилаётган савй-ҳаракатлар ҳақида

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

ахборот тингланди.

Юнусобод тумани йирки ва аҳолиси зич бўлган ҳудуд ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда туман ҳокими Қобил Фармонов иқтисодий кўрсаткичлар қаторида асосий эътиборни ижтимоий йўналишдаги масалаларга қаратиб ўтди.

Ўтган йилнинг якунига кўра туманда маҳаллий бюджетга тўловлар тўлиқ таъминланган бўлиб, бунинг натижасида биринчи навбатда ижтимоий дастурларнинг вақтида бажарилишига эришилди. Аҳолининг кам таъминланган қатламига, шу жумладан бюджет ҳисобидан 8,4 миллиард сўм моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. «Бандлик» дастури доирасида 5,8 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, шундан уй шароитида 1035 та иш ўринлари бўлса, санат корхоналари ҳисобига учдан бир қисми тўғри келмоқда. Янги иш жойларининг деярли 77 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ташкил этилган. Аҳолининг ойлик даромадлари ўрта ҳисобда 46 фоизга ошган.

Уй-жой коммунал соҳасида ҳам ислохотлар давом эттирилди. 85 та кўп қаватли уйнинг муҳандислик тармоқлари тубдан таъмирланиб, 26 та уйда лифт тизими жорий ва капитал тарзда соҳланди, 118,5 минг квадрат метр том майдони янгиланди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий таълим дастури доирасида ҳисобот даврида учта мактаб, кимё-технология коллежи, махсус иқтисодий болалар мактаби тубдан таъмирланиб, болалар спорт соғломлаштириш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Жорий йил учун ҳам кенг кўламли ишлар белгиланган. Ёш оилаларни кўллаб-қувватлаш бўйича вазифаларни амалга ошириш йўлида йил якунига қадар 64 та хонадонли иккита кўп қаватли уйнинг фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, биринчи августга қадар 40 та кўп қаватли уйларида тубдан таъмирлаш ишлари бажарилади, 26 та уйнинг 25,7 минг квадрат метр том қисми янгиланади. Мавзе ва маҳалла ички кўча ва йўлларида ободонлаштириш ишлари давом эттирилади. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу масала аниқ-

туман округлари бўйича сайланган депутатларда катта қизиқиш уйғотди. Туман ҳокими ахборотида кўра, шу йилнинг октябрга ойига қадар 118 минг квадрат метр майдонга шаҳар бюджети ҳисобидан асфальт ётқириш ишлари амалга оширилади. Шу билан бирга ҳомийлар ва туман бюджети ҳисобидан кўшимча яна 30 минг квадрат метрдан зиёд ҳудудда мукамал ва жорий асфальтлаш ишлари бажарилиши кўтилмоқда. Ўтган йили ушбу кўрсаткич 51,3 квадрат метрни ташкил этганди.

Депутатлар томонидан кун тартибидаги ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда келгусида шаҳар Кенгаши сессияларига туман ҳокимларининг ҳисоботи киритилиши алоҳида қайд этилди.

Сессияда депутатлар эътиборига шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врач Бобур Курбоновнинг ўтган йиллар бўйича фаолияти юзасидан ахбороти тақдим этилди. Хусусан, таъкидлаб ўтилганидек, марказ нафақат республика, балки чегарадош ва бошқа давлатлардаги эпидемиологик вазият бўйича зарур ахборот негизига эга. Бу эса ўта хавфли юкумли касалликларнинг мамлакатимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бораида зарур мажмувий профилактик ва эпидемиология қарши тадбирларни ўтказишда алоҳида аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, марказ ва унинг жойлардаги тузилмалари томонидан мавсумий ва минтақавий юкумли касалликлар бўйича профилактик амалиётлар тизими яратилган ва мунтазам жорий этиб келинади. Ушбу йўналишдаги ишлар мувофиқлаштирилган ҳолда барча ҳамкор хизматларнинг ўзаро ҳаракатлари асосида амалга оширилади.

Ҳисобот даврида барча соғлиқни сақлаш муассасаларининг зарур миқдордаги эмлаш воситалари билан таъминланиши ҳисобига юкумли касалликлар бораида номуаносиб вазиятнинг олдини олишга эришилди.

Демак, таъкидлаб ўтилганидек, жойларда, жумладан оилавий поликлиникаларда ушбу йўналишда муаммолар бўлиши мумкин эмас ва беморларни вакцинация қилиш масаласи бегараз тарзда амалга оширилади.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан депутатлар Ильмира Боситхонова, Гулчехра Охунова, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Миралишер Исмолов ва бошқалар аҳолининг зарур вазиятларда вакциналарга бўлган эҳтиёжи юзасидан шаффофликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлашди.

Сессияда шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг ахбороти тингланди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакилининг 2007 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинди, бундан ташқари шаҳар ҳокимининг айрим қарорлари тасдиқланиб, ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда жорий йил 29 июнь яқинда куни бўшаб қолган бешта сайлов округи бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

Транспорт

ЯНГИ ДАСТГОҲ

ЮКЛАРНИНГ БУТ, ЙЎЛОВЧИЛАРНИНГ ШИКАСТЛАНИШСIZ ИШЛАШНИ ТАЪМИНЛАШДА ЦИЛИНДРЛИ ПРУЖИНАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА. ТОШКЕНТ ЙЎЛОВЧИ ВАГОНЛАР ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ БУ ХИЛ ПРУЖИНАЛАРНИ КЎПЛАБ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА КИРИШДИ.

Гап шундаки, Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институтининг бир гуруҳ мутахассис олимлари изланиш билан янги дастгоҳ намунаси яратилди. Юқори диаметрли цилиндрли пружиналарни ўрайдиган мазкур қурилма темирйўл вагонларини таъмирлаш, янгилашда бунёдкорлар оғирини енгил қилади.

Ушбу дастгоҳ ёрдамида импорт ўрнини босадиган материаллар ишлаб чиқариш ҳам мумкин. Айни вақтда четдан цилиндрли пружиналари келтиришга ҳожат қолмади.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИРЙЎЛ УЗЕЛИДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ҲАМ ҚАТОР ТЕХНИКАВИЙ ТАДБИРЛАР КЎРИЛМОҚДА. КОРХОНАДА ЎТКАЗИЛГАН ҲИСОБОТ ЙИГИЛИШИДА БУ БОРАДА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темирйўл компаниясининг меҳнат шартлоларини яхшилаш бўйича дастури доирасида амалга оширилаётган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Компания меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг янги иш режаси ҳам тасдиқланди.

ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ ТУФАЙЛИ

ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИДА ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИгини РИВОЖЛАНТИРИШДА КУТИЛГАН НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА.

«Тошкент йўловчи вагонлари таъмирлаш заводи», «Қуёв-механика заводи» каби корхоналарда рационализиаторлик ва иктирочлик бўйича олиб борилган техника ижодкорлигидан катта иқтисодий самарадорликка эришилди.

Жорий йилда «Ўзтемирйўлтаймир» унитар корхонасида ҳам энг яхши тақлифлар амалиётга жорий этилади.

Анвар ҒАНИЕВ

Иқтисодиёт

КАСАНАЧИЛИК АСОСИДАГИ ФАОЛИЯТ

ЮРТИМИЗДА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАШДА КАСАНАЧИЛИК ҲАРАКАТИ КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА. ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДАГИ КЎПЛАБ ДОИМИЙ БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИ, АЙНИҚСА УЙ БЕКАЛАРИ КАСАНАЧИЛИК АСОСИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАЁТГАНИ, ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ.

Чеварликни касб қилган кўплаб аёллар қатори Учтепа туманидаги хусусий тадбиркор Феруза Йўлдошева жорий йил бошидан ўз хонадонидан тикувчилик цехини очиб, 5 нафар маҳалланинг хотин-қизлари билан буюртма асосида тикувчилик маҳсулотлари — миллий кийим-кечаклар, ўрин-қўрпалар тикшини йўлга қўйишди.

Мазкур тикув цехида замонавий хорижий тикув машиналари, дастгоҳ ва ускуналар қўли гул чеварлар, бичкичларга мададкор бўлмоқда. Айниқса, кўрган кўзларни қувнатувчи моҳир хунарманд Хурсандой Мадаминовнинг миллий либосларга ўзига хос безак бериши мижозларни мамнун қилмоқда. Буюртмачилар сафи орттишга омил бўлмоқда.

Аҳил жамоанинг изланишлари, янгиланган ўчлиги, ташаббускорлиги боис, йил охиригача эркакларга, жажжи болажонларимизга мўлжалланган кийимлар тикиш режалаштирилган.

Эътиборли томони, ишчан тадбиркор Феруза Йўлдошева ёз мавсумида кизикувчи маҳалла ёшлари учун цех қошида ўқув маркази очишни мақсад қилган.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

БУНЁДКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

«ЎЗТЕМИРЙЎЛҚУРИЛИШМОНТАЖ» УНИТАР КОРХОНАСИ ТАРКИБИДАГИ «МАХСУС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ЙЎЛ СТАНЦИЯСИ» ЖАМОАСИ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. ЯЛАНҒОЧ ТЕМИРЙЎЛ БЕКАТИДАН ЯНГИ ҚУРИЛГАН ЧИНАОБОД НЕФТБАЗАСИГАЧА ДАВОМ ЭТГАН 10 КИЛОМЕТРЛИК ТЕМИРЙЎЛНИ ТИКЛАШДА ҲАМ ТЕЗКОРЛИК БИЛАН ИШ БАЖАРИЛДИ.

Бу ҳудудда металл кўприк қурилиши ҳам амалга оширилди. Темирйўл-бунёдкорларнинг жаҳон андозаларига мос бу каби меҳнати муносиб тақдирланди. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси томонидан берилган аҳоли сифат сертификатига станция жамоасини янада руҳлантириб юборди.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ САМАРАСИ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИНГ НООРГАНИК МОДДАЛАР ВА МИНЕРАЛ ҲАМ ТЕЗКОРЛИК КАФЕДРАСИ ОЛИМЛАРИ КОН САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ҚАТОР ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ ЯРАТДИЛАР.

Қашқадарё воҳасидаги Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида янги технологияларни жорий этишга қаратилган лойиҳа ҳам катта иқтисодий самара беради.

Келгуси йилда фойдаланишга топширилган бу йирки корхона йилига 20 минг тонна ўғит ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Калийли ўғитлар қилмоқ ҳўжаликда етиштирилаётган маҳсулотларни сифатли тайёрлашда мўҳим кимёвий восита бўлиб хизмат қилади.

Ақбар АЛИЕВ

ИҚДИТОР, БИЛИМ ВА ИСТЕЪДОД ТАНЛОВИ

27-30 МАЙ КУНЛАРИ СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИДАГИ МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИК КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ЎРТАСИДА УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ОЛИМПИАДАСИНИНГ ЯКУНИЙ РЕПУБЛИКА БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛАЁТИР.

Ўқувчи ёшлар ўртасида мунтазам ўтказилаётган турли фестивал ва кўрик танловлар уларнинг билим ва кўникмаларини рағбатлантириш, кизиклиши ҳамда интилишларини оширишга хизмат қилмоқда. Бир неча йилдирки республикадаги барча ўрта таълим мактаблари, ўрта-маҳсус касб-хунар таълим муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича ўтказилаётган фан олимпиадаси ҳам ана шундай эзгу мақсадларга қаратилган.

Зийёга интилиш, ўқиш, ўқитиш, бу иборалар мамлакатимизда олиб борилаётган таълим тарбия соҳасидаги ислохотларнинг асосини ташкил этади. Унинг замирида келажак ворисларининг саводхонлиги масаласи эътиборга олинган.

«ЭНГ КЎП ТАШРИФ БУЮРИЛАДИГАН СТЕНД»

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «КАПИТАЛ-БАНК» «ВАНКЕХРО-2008» БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, УСКУНАЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА «ЭНГ КЎП ТАШРИФ БУЮРИЛАДИГАН СТЕНД» МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ.

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари уюммаси ва Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюммаси томонидан ташкил этилди.

Кўргазма — самарали коммуникация йўналишларидан биридир. Шу боис «Капитал-банк» хизматчилари бу ерга ташриф буюрадиганларни экспозиция билан яхшироқ таништириш мақсадида стендни оддий элементлардан фойдаланган ҳолда безашга қарор қилди.

«Капитал-банк» маркетинг бўлиmidан маълум қилишларича, «Биз бизнес учун ҳар жиҳатдан қулайлик яратамиз» шiori остида ўтказилган ушбу кўргазмининг асосий гоёси мижозлар учун доимий фаолият кўрсатадиган самарали маслаҳат пунктини ташкил этиш концепциясини акс эттиришдан иборат.

Назoкaт УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Ю. ГУСЕВА, ЎзА мухбири

си ётади. 2004-2007 йилларда мактаб ўқувчилари жаҳон миқёсидаги билим бўйича ўзаро беллашувларда жами йигирма етти та медални кўлга киритишди. 42-Менделеев номидаги халқаро олимпиадасининг Тошкентда ўтказилиши ҳам бежиз эмас.

Республика фан олимпиадаси мамлакатдаги иқтидорли болаларни аниқлаш, истеъдодли ёшларни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятга эришди. Тест саволларининг сони ҳам ўтган йилгига нисбатан кўпроқ. Ёзма ишда ҳам тест саволлари ҳам элликтидан балл берилади. Ҳар бир иштирокчи олимпиадада муваффақият қозониш учун жами юз балл тўплаши керак.

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЁТ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУҚУҚИЙ КЛИНИКАСИ КЛИНИЦИСТЛАРИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА КОЛЛЕЖИ БИТИРУВЧИЛАРИ УЧУН БМТ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА «ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШГА КЎМАКЛАШИШ» МАВЗУСИДА ТРЕНИНГ УЙОШТИРДИ.

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

Тренингда асосий эътибор, коллеж битирувчиларининг мамлакатимиздаги мавжуд меҳнат тўғрисидаги қонунлар бораидаги билимларини оширишга қаратилди. Шунингдек, тадбирда ёшларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари, уларнинг иш берувчи билан муносабатлари хусусига ҳам батафсил тўхталинди.

Мутахассислар ва экспертлар ўрта-маҳсус маълумот билан ишга жойлашиш қоидалари, иш излаш, меҳнат шартномаси имзолашда ёш кадрнинг ҳуқуқи ва вазифаси, асосий равишда рад жавоби берилганда қандай йўл тутилиши қабилир бораида батафсил маълумот беришди.

Тренинг коллеж талабаларининг талабларига асосан ушбу билим даргоҳида иккинчи бор ўтказилаётгани ҳам ёшларнинг ўз ҳуқуқларини чуқурроқ билишларига қизиқишларидан далолатдир. Бу каби тадбирлар пойтахтнинг кўплаб коллежларида ўтказилиши режалаштирилмоқда.

«Туркистон-пресс»

1997 йил Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон Бадий академияси ташкил этилган эди. Бу мамлакатимиз ижтимоий, сийсий, маданий ҳаётида улкан тарихий воқеа бўлди. Академиянинг ташкил этилиши мамлакатимизда тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, бадий хунармандчиликка нисбатан муносабатни тубдан ўзгартиришга туртки бўлди. Бу соҳаларнинг халқ маънавияти, эстетик диди, ахлоқий қарашларини шакллантиришда ҳамда ривожлантиришдаги ўрни ва мавқеи ортиди.

— Давлат тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик асарларини яратилишнинг бош бюртмачиси сифатида майдонга чиқди,— дейди «Санъат» журнали бош муҳаррири ўринбосари Миррўбуб Қобилов. — Натихада мусаввирларимиз ва ҳайкалтарошларимиз ҳақиқий ижодий ишга шўнғиб кетдилар. Мана шундай ҳамкорликнинг самараси сифатида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Шаҳрисабз, Термиз, Анджион, Фарғона, Қарши каби кўплаб шаҳарларимизда буюк ажодларимизга бағишланган, ўтмиш маданиятимизни акс эттирувчи янги ёдгорлик мажмуалари, маҳобатли ҳайкаллар ўрнатилган майдон ва хиббонлар пайдо бўлди. Рассомларнинг яратган кўплаб янги асарлари музей ва галереялардан жой олди. Янги-янги галереялар қурилиб ишга туширилди. Жумладан, Тошкентда кейинги икки-уч йил ичида ишга туширилган Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Ўзбекистон маданияти ва санъати галереяси мамлакатимизнинг маданий ҳаётидаги улкан воқеа бўлди. Улар муσταқиллик даврида тасвирий санъат равнақига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Аслини айтадиган бўлсак, муस्ताқиллик шарофати билан тасвирий санъат ахли ҳақиқий кадр топди. Кўпчилик рассом-

лар «Ўзбекистон халқ рассоми», «Ўзбекистон санъат арбоби», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» унвонларига сазовор бўлишди. Шунингдек, рассомларимиз Ўзбекистон Республикасининг қатор орден, медал, Давлат мукофотлари ҳамда Бадий академиянинг олтин ва кумуш медаллари билан тақ-

лакатлари Ўзбекистон тасвирий санъати билан яқиндан танишди. Ўзбекистонлик кўплаб рассом, ҳайкалтарош, хунармандларнинг асарлари халқро кўргазмаларда муваффақиятли намойиш қилинди ва турли мукофотларга сазовор бўлди. Бугунги кунда уларнинг асарлари жаҳон музейларининг олтин фондидан ва шахсий

иш этдилар. Тошкентда Халқро биеналеларнинг мунтазам ўтказила бошланганлиги мўйқалам усталаримизнинг асарларини дунё миқёсида танитишда муҳим ҳисса қўшмоқда. Шарқу Фарбининг тараққий этган мамлакатлари билан амалга оширилаётган илмий-амалий изланишлар ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликлар томонлар учун ҳам фойдаланиб бормоқда. Ўзбекистон санъат ахли рассом ва ҳайкалтарошлари Урта Осиёда ягона бўлган уч тилда чоп этиладиган ўзларининг илмий журналига, махсус нашриётига эга бўлдилар. Ушбу «Санъат» журнали дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатидеги ўқувчиларга ётиб бормоқда. Журнал саҳифаларида юртимизнинг бой қадимий маданияти, осори-атика ёдгорликлари, анъанавий ва хунармандчиликка оид мақолалар ўрин олган. Бундан ташқари архитектура, тасвирий санъат, театр, кино тарихи ҳақида ҳам муфассал материаллар ёритиб борилади. Бир сўз билан айтганда Ўзбекистон Бадий академиясининг мамлакатимиз маданий ҳаётида муҳим ва ўзига хос ўрни бор. Бу мисолда ҳамма илму урфон, маданият, санъат ва тиббиёт ахлининг энг сара кўргазмалари намойиш қилинади ва инсонларни эзгулик сари чорлайди.

Дарҳақиқат, муस्ताқиллик боис Ўзбекистон санъатининг барча турлари гуркираб ривожланиб бормокда, дунёнинг кўплаб хорижий мамлакатлари маданияти ва санъати билан танишиш бахтига мушарраф бўлди. Маданий алоқаларини муσταҳкамлаб олдиқ. Буларнинг барчаси оқилона муस्ताқиллик сиёсатининг изчил амалга оширилган бир намунадир ҳолос. Зеро, мамлакат равнақи ва ривожланишида, тараққий этиши ва юксалишида маданий ҳаётнинг ўзига хос ўрни бор. **Гулчехра ДУРДИЕВА**

МАДАНИЯТИМИЗ ВА САЊЪАТИМИЗ ДУЊЁ НИГОҲИДА

ЖАННАТМАКОН ШАҲРИМИЗ НУФУЗИНИНГ КУЊДАН-КУЊГА ОШИБ БОРИШИ ЗАМИРИДА БЕКИЁС БУЊЁДКОРЛИК, ЮРТ РАВНАҚИ ЙЊЛИДАГИ ТАРАҚҚИЁТ, ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ, МУТТАСИЛ ИЗЛАНИШ, МАДАНИЯТ ВА САЊЪАТГА БЊЛГАН КАТТА ЭЪТИБОР МУҲАССАДИР. ПОЙТАҲТИМИЗНИНГ ҚОҚ МАРКАЗИДА ЁН-АТРОФГА УЛУҲВОРЛИК БАҲИШЛАБ МАДАНИЯТ ВА САЊЪАТ АҲЛИНИ БИРЛАШТИРИБ ТУРАДИГАН БИР ҚОШОНА МАВЖУДКИ УЊДАН ФАҚАТ ЭЗГУЛИК ЙЊЛИДА ФОЙДАЛАНИШАДИ.

дирландилар. Улар орасида Ўзбекистонни ўз ватани деб билган турли миллатга мансуб ижодкорлар ҳам бор. Бу эса бадий маданиятимизнинг илдизларини янада чуқурлаштиришга, ижодий рангбарангликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Истиқлол даврида мамлакатимизда мўйқалам усталарини тайёрлашнинг ноёб тизими шаклланди. Миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика рассомлик коллежи, Қорақалпоғистон ва барча вилоятларда махсус лицейлар очилди. Хозирда уларда юзлаб ёш истеъдод соҳиблари тасвирий санъат сирларидан таҳсил олмақдалар. Яна шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, дунё мам-

колекцияларидан жой олмақда. Истиқлол йилларида халқимиз дунёни қайтадан кашф этди ва кўпгина хорижий мамлакатлар санъати билан танишди. Жумладан Россия, Марказий Осиё республикалари, Эрон, Миср, Исроил, Хитой, Жанубий Корея, Япония, ва жуда кўплаб мамлакатларнинг бадий маданиятлари намойиш этилди. Республикаимиз маданий ҳаётида сезиларли из қолдирган ана шундай тадбирлардан бири 4-Халқро биеналеларнинг ўтказиш бўлди. Бир хафта давом этган бу кўргазмада дунёнинг 33 мамлакатидан келган 160 нафар санъат усталари ўзларининг янги гоа ва дунё-қарашлари акс этган асарларини намой-

1 июнь — Халқро болаларни ҳимоя қилиш куни

КЊРИК-ТАЊЛОВ БОШЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КЊРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА “ДУЊЁ - БОЛАЛАР НИГОҲИДА” БОЛАЛАР ИҲОДИ КЊРИК-ТАЊЛОВИ ЎТКАЗИЛАЙТИР.

Унда Болалар санъат мактаби ва Болалар мустика мактаблари ўқувчилари ўз ижод намуналари билан иштирок этмоқда.

1 июнь — Халқро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ташкил этилган таълолда олти ёшдан ўн етти ёшгача бўлган болаларнинг рангтасвир, графика ва амалий санъат намуналаридан иборат беш юздан зиёд асарлар намойиш этилмоқда. Ёш ижодкорларнинг асарлари турли-туманлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Тошҳоджаев Абусаид ўн уч ёшда. У пластилиндан танк ва аскарлар образи орқали урушни шунанганга тасвирлагани, уни кўриб урушга нисбатан нафротинг ортади.

Кўргазмага кўйилган асарларнинг ҳар бирида ўзгача қараш, ўзгача олам бор. Болалар асосан, мультит қаҳрамонлари, гўзал шаҳарлар ҳамда буюк бобоқалонларимиз расмларини тасвирлашга ҳаракат қилган.

Ўзбекистон Бадий Академияси ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган кўрик-танлов болалар ижодига кенг омма эътиборини жалб этиш, расом-педагоглар касбини улғулаш, ёш ижодкорларни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳамда улар орасида таъриба алмашишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятlidir.

Рахшона ТОШПЊЛОВА, "Туркистон-пресс"



ҲАОЛИК ОШМОҚДА

ЁШЛАР БУГУНИМИЗ ВА ЭРТАМИЗНИНГ ПОРЛОҚ ОЛДУЗЛАРИ, КЕЛАЖАКНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИДИРЛАР.

Жорий йилининг Президентимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Зеро бугунги кун ёшларининг ҳар томонлама билимли, хунарли, ақлу заковати бўлиб вояга етишлари йўлида мамлакатимизда кенг имкониятлар яратилмоқда. Бугунги кунда ўсмир қизларнинг ижтимоий-сийсий фаллигини янада ошириш, уларнинг лидерлик қобилиятларини ривожлантириш мақсадида олий ва ўрта махсус ўқув юртралида «Лидер қизлар» клублари фаолият олиб бормоқда. Жумладан Миробод туман хотин-қизлар кўмитасининг Низомидда белгиланган устувор йўналиш ҳам ёш ўсмир қизлар ўртасида лидерлик қобилиятини ривожлантиришдан иборатдир. Шу мақсадда Миробод туман хотин-қизлар кўмитаси ва Тошкент Давлат авиация институти ҳамкорликларида маъруза институтда талаба қизлар ўртасида Ёшлар йилига бағишлаб «Лидер қизлар» клубининг тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда қизларимизнинг ҳар томонлама зукко ва доно, билимли ва хунарли бўлиб, ўз истеъдодлари билан жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашлари, муस्ताқил ҳаётга тайёр бўлишлари борасида амалга оширилаётган самарали ишлар хусусида фикр юритдилар. Шунингдек, хотин-қизларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларнинг лидерлик қобилиятларини ривожлантириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга мос ҳолда ижтимоий-сийсий фаолликларини янада ошириш, қизларни жамият ҳаётига жалб этиш зарурлигини таъкидладилар.

Туманда хотин-қизларни лидерликка тайёрлаш бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юртрали, умумтаълим мактабларида, махалларда «Лидер қизлар» клублари ишини мувофиқлаштириш, қизларнинг оилада ва жамиятда шахс сифатида шаклланишида клубларнинг ролинини ошириш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида турли хил кўрик-танловлар, учрашулар, семинарлар, викториналар ўтказиб келинмоқда,— дейди Миробод туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Наргиза Пўлатова. — Мақсад лидер қизлар сафини кенгайтириш, уларни келажак авлод манфаати учун, соғлом ҳаёт тарзини олиб боришга тайёрлаш, қизларнинг илмий ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, эстетик дидини шакллантиришдан иборатдир.

Тадбирда иштирок этган барча институтларнинг лидер қизлари ўз йўналишлари бўйича фан, таълим, адабиёт, маданият соҳаларида ўзларининг билим ва маҳоратлари, илмий ишлари ҳамда бадий чиқишларини намойиш этиб йилгиланларда катта таассурот қолдирдилар.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

Алексей Попов олган суратлар



АКА ҚАЊБИ ТОҒДЕК

КЊТАРИЛДИ

Дунёда бир она қорнидан талашиб тушган ака-укалар бир-бирлари билан сан-манга бориб қолмасин экан. Ака-ука Камолжон ва Баҳромжонларнинг ўрталарига тушган совуқчилик ҳам арзимас баҳона сабаб бўлди. Уша дам олиш куни ака-ука кун бўйи бирига бўлишди. Анчадан бери кўришмаган кадрдонлари Салимжонига йўқлаб боришди. Ушбу йўқловдан боши осмонга етган мезбон кадрдонларнинг қаршилигига қарамай, уйга бошлади, дастурхонга тақлиф этиб, қўларига бир пйёладан чой тутди. Бироз кўнгул ёзиб ўтиришгандан сўнг, меҳмонлар «энди турамизга» тушишди.

—Хозир бир зум,—деди Салимжон ўрнидан туриб ташқарига йўл олarkan. —Ҳеч нарсасга овора бўлма, биз қайтамыз,—деб қолдиши меҳмонларнинг орқасидан. Кўп ўтмай хонага икки шиша ароқ тутган Салимжоннинг ўғли кириб келди. —Келиш меҳмондан, жавоб мезбондан,—деди Салимжон дўстларининг норозилигига монелик билдириб.

Ўқдек учиб бораётган машина қаттиқ тормоз бериб йўл четида тўхтади.

—Қани туш машинадан,—ўшқирди ака укага. Баҳромжон кизариб-бўзариб машинадан тушиб, эшикни қаттиқ ёлди. Акаси сўкинганича уни оро йўлда қолдириб машинани ҳайдаб кетди.

Биринчи йўловчи машина Баҳромжоннинг ишораси билан тўхтаб уни кабинага олди. Қанча йўл юришди билмайди Баҳромжон. У ҳайдовчининг ҳайратомуз бақирисида ўзига келди. Бундай кўзини очиб қараса акасининг «Москвич» тўрт гилдирига осмондан бўлиб кўча ўртасида ағдарилиб ётарди.

Эртасига ака касалхонада ҳушига келди. Кўзини очиб тепасида турган укасига қаради, бир зум бўлиб ўтган воқеаларни эслаб хижолатдан қайта кўз юмди.

Барибир укаси яши,—да, кек сақламайди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлса кўча ўртасида жеркиб машинасидан тушиб кетган акани кечирармиди? Хозир шу савол Камолжоннинг бошида чарх ураб, тепасида парвона бўлиб турган укасига бир оғиз сўз айтишдан ожиз эди.

Хайрият, Камолжонни бу оғир вазиятдан укасининг ўзи кутқарди.

—Муздай чой берайми, ака?

ҲАП ЭҒАСИНИ ТОПСИ

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Дастурхон устида турли газаклар, кетидан гўшт билан қовурилган картошка таям жой олди.

— Анчадан бери кўришмадик, соғинишиб қолганмиз, уладидан дунёда юзта-юзта қилиб бироз гурунглашайлик,—дея пйёлаларга ичкилик қуя бошлади Салимжон.

Биринчи қадаҳ одатдагидек «қандоқ бўларкан», «эр-талабдан ичамизми?» деган сўзлар билан зўрма-зўрака қилинди. Иккинчи бор кўйилганда Камолжон:

— Менга бўлди, машинам бор, ҳайдаб кетишим керак,— деб пйёлани кўлига олмади.

— Вой қачондан бери рудда ичмайдиган бўлиб қолдинг,— уни қийин-қистовга олди мезбон.

Шу тарихи пйёлалар икки марта бўшатилди. Кейинги кўйилишида эса ҳеч қандай илтифотсиз пйёлалар бўшатилди. Одатда ичкилик одамни эзма қилади. Уч-овлон шу қадар суҳбатга берилиб кетишдики, гап-гапга уланди. Бу орада бўшатилган шишалар қайта янгиланди.

Алла-паллада меҳмон ака-укалар кўзгаллишди. Мезбон кузатувида чайқалиб кўчага чиқибди. — Машина қолоқолсин, эртага олиб кетарсан. Шу ахволда уни ҳайдаб кетолмайсан,—деди хонадон эгаси Камолжонга.

— Хавотирга ўрин йўқ. Рўлга ўтирсан ўз-ўзидан хушёр тортиб қоламан,—эътироз билдирди у.

Баҳромжон ҳам мезбоннинг тақлифига қўшилди. «Шу ахволда қандай машинада кетамиз. Эрталабгача қолоқолсин. Бирор йўловчи машинада кетармиз» деди акасига. Уканин бугун акага оғир ботди.

— Қачондан бери менга ақл ўргатадиган бўлиб қолдинг. Индамай ўтиравер машинага,— буюрди ака укага.

Баҳромжон ноилох кабинага ўтирди. Ўт олган мотор бир силтанди-ю, гилдираклардан олов чакнашиб юриб кетди. Мезбоннинг хайр-хўши ҳам эшитилмай қолди. — Ҳеч нарсдан қуруқ қолаётганимиз йўқ. Сал сикироқ ҳайданг,— йўлда танбеҳ берди ука акага.

Бу гапдан Камолжоннинг баттар асаби кўзиди. — Менга қара, жим кетсанг кет. Бўлмаса тушириб юбораман машинадан.

Энди Баҳромжон ҳам жаҳл отига минди. — Нима, машинангизга оғирлик қилдимми? Унақа бўлса тўхтагинг, тушиб қоламан.

Камолжон аста кўзини очди, укасига мамнуният билан термулди. Баҳромжон меҳрибончилик билан турган пйёлалардан бир хўпладю, ўпқаси тўлиб қўзига ёш олди. Бу оғрик азобидан эмас, балки ака-уканин ўрта-сидига меҳр-оқибатдан тўқилган кўз ёш эди. Укасининг меҳр билан айтаётган ҳар бир сўзи аканинг ўқик қалбини тоғдек кўтариб олмасди. Лекин у шу дамда ҳаётда ичкиликни оғизга юмурскини ич-ичидан дилига тугиб қўйди.

МЕЪЁР — САЛОМАТЛИК

ГАРОВИ

Дунёда инсон руҳининг соғломлиги учун одам ҳаракати ва тафаккур машғулотидан кўра қучлироқ ҳакам топилмайди. Зеро, бу икки нарса инсоннинг саломат бўлиши учун қучли асос бўлиб, қимми бу икки нарсага амал қилишда хатого йўл қўйса, кўпгина кўнглисизликларга дучор бўлади. Жумладан, кўп ичич ва емоқлик ҳам инсонга бедорлик келтиради. Шундай экан ёйиш-ичишда, жисмоний меҳнатда ҳамда барча ишларда меъёрга диққат қилиш ва буни асло ёддан чиқармаслик зарур.

Айтишларча, бир бадавлат оиланинг ёлғиз ўғли бор эди. У жуда кўп оқвак ер ва шу тўфайли ҳаммиша беморликни бошдан кечирар эди. Лекин ҳеч ким унинг касаллик сабабини билмасди. Қунардан бир кун бир табибни уйга чорладилар. Табиб йилгитининг томирига кўл уриб унинг кўп ёйиш тўфайли оқвак ҳазм бўлмасдан ҳижикоч ва кекириш касалига мубтало бўлганини билди ва уни тез фурсат ичида даволади. Шунда хонадон соҳибни табибдан: — Унга нима бердинг?— деб сўради. — Оқлик,— деб жавоб берди табиб.

Бир донишманд шундай дейди. Инсон узоқ умр кўриши мумкин. Лекин биз ўзимизнинг тийиксизлигимиз, пала-партишлигимиз, ўз организмимизга нисбатан шафқатсизлигимиз тўфайли бу муддатни кўп йилларга қисқартириб юборамиз. Зеро, шундай экан, ҳар бир инсон ўз саломатлигини сақлаш учун ҳаммиша бадантарбия билан шуғулланиши, ўз вақтида меҳнатга берилиши ва кўп емоқликдан тийилмиш лозим. Ана шундангина у бемаврид келадиган касалликлардан ҳоли бўлади.

Маънавият

ҲАМКОРЛИК

ДАСТУРИ

ДОИРАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲИНДИСТОН
ЎРТАСИДА ФАН, ТЕХНИКА ВА МАДАНИЯТ
БЊЙИЧА ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ ДОИРАСИДА
ИБРАТЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

2010 йилгача давр учун мўлжалланган маъзурут Тошкентдаги Лаъл Баҳодир Шахри номидаги ҳинд маданияти маркази фаолиятида ҳам йўриқнома бўлиб хизмат қилмоқда.

Деҳли университетидега эса ўзбек тилини ўқитишни йўлга қўйиш тараддуди қўрилмоқда. Маъзурут таълимий жараёнда фойдаланиладиган ўқув адабиётларини етказиб бериш тадбирлари ҳам қўрилади.

Бу борада Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ҳиндистоннинг Тошкентдаги элчихонаси билан бамавсалахат иш юритиб, режаларни рўйбга чиқаришга яқиндан кўмаклашмоқда.

ТАЛАБАЛАРГА

СЕРТИФИКАТЛАР

«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА
ФАОЛИЯТ КЊРСАТАЁТГАН ЎҚУВ КУРСИ
МАШЊУЛОТЛАРИГА КЊПГИНА ТОЛИБИ
ИЛМАР ЖАЛБ ЭТИЛГАН.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги саёй-ҳаракати билан ташкил этилган бу курсда миллий мафкура, ўзини ўзи маданий бошқарошга доир суҳбатлар ва баҳслар олиб борилаётди. Таърибали олимлар томонидан уюштирилаётган машғулотларда фаолият кўрсатган тингловчиларга сертификатлар ҳам топширилмоқда. Кейинги икки йил мобайнида 20 дан ортиқ талабага бундай ҳужжатлар берилди.

Ўзбекистон Президентининг «Истеъдод» жамғармасида битирувчиларнинг наватбадга гуруҳига сертификатлар тақдим этилди. Шунингдек, улар «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимияти Фахрий ёрликларига ҳам эга бўлдилар.

Ақбар АЛИЕВ

ЯЊГИ МАРКАЗ ИШ

БОШЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИДА КОРЕЯ АҲБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ.

Ушбу марказнинг очилиш маросимида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги таълим маркази директори Ким Джэнг Сэж, университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори Норбой Ортиқов ва бошқалар сўзга чиқиб Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги муσταҳкам алоқа узоқ йиллардан бери давом этиб келаётганлигини таъкидлашди.

Шунингдек, икки давлат ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган кенг қўламли ҳамкорлик иқтисодий-маданий ҳамда таълим соҳаларида изчил ривожланиб бораётганлиги, бу икки мамлакат ёшларига бирдек алоқадор эканлиги эътироф этилди.

Ўзбекистон ёшларининг корейс тилига бўлган қизиқшини инобатга олиб 2006 йилда Жаҳон тиллари университетидега корейс тили кафедраси очилди. Жорий йилда эса маъзурут кафедра қошида Корея ахборот технологиялари маркази иш бошлади. Очилиш маросимида ушбу марказ ва у ҳақида қиска маълумотларни ўзида жамлаган кинофильм кўрсатилди. Университет талабалари томонидан тайёрланган «Гўзал ҳаёт» номли корейс ва ўзбек миллий мустикаси асосида саҳналаштирилган рақс дастури иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Ахборот технологиялари маркази очилганидан хурсандман,— дейди университет 3-босқич талабаси Нигора Абдурахмонова. — Энди бу ерда компьютер билан ишлаш, интернет орқали мулоқот қилиш каби билимларни ўзлаштиришимиз мумкин. Бу биз ёшларга жуда катта имкониятлар эшигини очиб беради.

Тадбирда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кён Жае Мин иштирок этди.

МУСИҚА ДИЛЛАРГА

КЊПРИКДИР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЕВРОПА КУЊЛАРИ ВА
ЛАТВИЯ РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН САНАГА БАҲИШЛАБ
МУСИҚИЙ КЕЧА БЊЛИБ ЎТДИ. УЊДА
ЛАТВИЯЛИК БАСТАКОРЛАР ТОМОНИДАН
ЯРАТИЛГАН КАМЕР ОПЕРА КЊЙЛАРИ ИЖРО
ЭТИЛДИ.

Латвия бастакорларининг қатор авлодларига мансуб бўлган — Вилнис Салакс, Янис Кепитис, Петерис Плакис, Алвис Алтманисларнинг жаҳонга машҳур ижод намуналари профессор Анна Грингоф, доцент Галина Ерошина, Ўзбекистон миллий оркестри артисти Рахматил Бекбоёнов ва Ўзбекистон давлат консерваториясининг халқро танловларда совринли ўринларни кўлга киритган талабалари ижросида яна бир бор янгради.

— Латвиянинг миллий байрамими Тошкент шаҳрида муסיқий кеча сифатида нишонланиши қувонарли албатта,— деди кечада иштирок этган Латвиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Игорс Апокинс. — Зеро муסיқий яқинлик маданий ва иқтисодий алоқаларининг янада муस्ताҳкамланишига олиб келади. Қолаверса, латвий халқи ташаббус қуя ва қўшиққа ошно халқ, айниқса, узоқ тарихга эга камер муסיқалари барчаннинг жону дили.

Икки мамлакат ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик салмоғига тўхтавларкан, И.Апокинс Латвия Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлик қилаётган Европа Иттифоқидеги давлатлар ичида тўртинчи ўринда туришини мамнуният билан таъкидлаб ўтди. Биргина ўтган йилнинг ўзида ўзаро товар айирбошлаш қўлами 120 миллион АҚШ долларидан ошган. «Шунингдек, Ўзбекистоннинг Латвияга товар экспорт қилиши йил сайин ошаётгани каби, латвияликлар ҳам мамлакатимизга махсулот сотиш салмоғини оширмоқда. Юртимиздан пахта толаси, полиэтилен ва пластмассадан тайёрланган махсулотлар, тўқимачилик товарлари харид қилаётган латвиелар, ўз наватбади турли марказдаги автоматшина ва техникаларга эҳтиёт қисмлари, электротехника асбоб-ускуналари, кимё санюати узлук-узлук махсулотлар экспорт қилишмоқда.

«Туркистон-пресс»



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

УМАР ХАЙЁМ ХИКМАТЛАР

Фурур либосини ечибон тезроқ, Суратингга эмас, сийратингга бок. Мағрурлик дилингга бўлмоғи даркор, Увадада султон ноғорасин қоқ.

Сўзимга қулоқ ос, эй дўсти аъло, Дунё ишларини ўйлама асло. Қаноат гўшасин айлабон макон, Олам ишларини қилгил тамошо.

Биров дин йўлини ёритар гўё, Биров ҳақиқатдан сўз айтар доно. Қўрқаманки, бир кун овоза келиб, Дерки: "Ул ҳам, бул ҳам бемаъни даъво!"

Ичганда ақдан бегона бўлма, Эс жўйиб, жаҳлга сен хона бўлма. Истасанг қизил май ҳалол бўлишин, Ҳеч кимни ранжитма, девона бўлма.

Тўғрилиқ бўлсайди фалакнинг иши, Ёқтирган бўларди уни ҳар киши. Дунёнинг ишида бўлса адолат, Бўлмасди донолар кўнглин оғриши.

Шухрат топсанг, кишилар ҳасади ёмон, Ёлғиз қолсанг, сендан қилишар гумон. Ҳизр бўлсанг ҳамки, ҳеч кимни билма, Сени ҳам билмасин, майли, бирор жон.

Ғайратинг сарф этсанг киймоқ, ичмоққа, Арзийди бу ишни маъзур тутмоққа. Хушёр бўл, қолганин бари арзимас Умрингни сарф этиб ўтиб кетмоққа.

Эй оқил, эртани демак — бир ҳавас, Беҳуда бир лофу қуруқ сўзидар, бас. Кимнинг агар ақли бўлса бул кунни, Тушунар — оламда ҳаёт бир нафас.

Жаҳонни дил коми деб билган одам, Охири ундан ҳам бўш қолгай олам. Абдий яшарман, деб ўйламагил, Шундайлар ўтдилар сендан олдин ҳам.

Дўстлик уйини ҳамиша бунёд этинг, Тез-тез кўришиб, бир-бирингиз шод этинг. Куйганда шароб косага соқий, мани Бечорани ҳам дуо билан ёд этинг.

Бегона яқин менга вафо қилса агар, Ёт ҳатто қариндош-да, жафо қилса агар. Гар ёқмаса бол — борми захардан фарқи? Бол ўрнидадир захар даво қилса агар.

Ишқ — боши жаҳон дафтарининг, маъноси, Ёшлиқ ғазалин матлаъси — мудоаси. Эй, англа, хабарсиз юрган ишқ оламидан, Ишқ бирла яралган бу башар дунёси!

Май ичмас эсанг, мастни маломат қилма, Ғийбат тўрини тўқишни одат қилма. Билсанг, сени(нг) қилмишларинг бундан баттар,

Бас, ичмаганингни бизга ибрат қилма! Ошиқ ҳамиша масту шайдо бўладир, Девона, паришон, яна расво бўладир. Хушёр киши ғам-қайғу тузоғига асир, Хуммор киши дунёга бепарво бўладир!

Гар мақсади пул бўлмаса-да донони, Пулсиз эса зиндон кўради дунёни. Қўл қисқалиги сабаб бинафша мунглиг, Хандон лаби гулнинг зўридан тиллони!

Билгилки, ғариб кўнглин бир шод этмоқ — Созидр нечаким, жаҳонни обод этмоқ. Лутфинг била айласанг асир бир дилни, Ҳеч қошида мингта қулни озод этмоқ.

Ҳеч кимсани ранжитма илож топсанг агар, Оғритма бирор дилни — сира сочма захар. Гар мангу фароғатни этарсан тамаъ, Чек ёлғиз ўзинг учраса ҳар қанча қадар.

Шайхонтоҳур туманидаги 42-оилавий поликлиника жамоаси шифокор Нигора Акбаровага ақаси Тохир ДУСТХУҲАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



2008 — Ёшлар йили

ТИНГЛОВЧИЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИЛК КУНЛАРИДАНОҚ ЁШЛАРНИНГ БАРКАМОЛ РИВОЖЛАНИШИ, ЖИСМОНИЙ, АХЛОҚИЙ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДА БИРИГА ДАЙЛАНДИ. УЛУҒ МУТАФАККИР АБДУЛЛА АВЛОНИЙ АЙТНАДИК, «ҲАР БИР МИЛЛАТНИНГ САОДАТИ, ДАВЛАТЛАРНИНГ ТИНҶИ ВА РОҲАТИ ЁШЛАРНИНГ ЯХШИ ТАРБИЯСИГА БОҒЛИҚ» НАҚЛИ БЎЙ КЎРСАТДИ.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумларнинг хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги 54-сонли қарори ижроси бўйича Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси буйруғи билан ташкил этилган «Оила — муқаддас Ватан» ёш оила қурувчилар мактаби ҳам айнан юқоридаги хайрли мақсадлар йўлида фаолият кўрсатмоқда.

Кўни кеча шахримизнинг сўлим ва хушманзара Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ушбу мактабнинг 7-ўқув йилининг якуний машғулоти бўлиб ўтди. Унда Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими, «ЖАР» спорт-соғломлаштириш комплекси ходимлари, 2-Тошкент юридик, ўқув-даволаш тиббиёт, алоқа касб-ҳунари, Й.Охунбоев номидаги тиббиёт, ихтисослашган хотин-қизлар, рассомчилик коллежларининг талабалари ҳамда оила қуриш учун ариза берган бўлажак келин-куёвлар иштирок этдилар.

— Азиз ёшлар, келажакимиз эгалари бўлган йигит-қизлар, сизлар бир йил давомида «Оила — муқаддас Ватан» мактаби машғулотларида қатнашиб эртанги ҳаётда керак бўладиган муҳим сабоқларни олдингиз, — деди тадбирда сўз олган туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайёхон Пулатова. — Олган билимларингиз албатта оила аталмиш қутлуг даргоҳга қадам қўйганингизда, муқаддас урф-одат, маросимларимизни тушуниб, уни

асраб-авайлашингизда керак бўлади. Ишонимизки сиз аъло таълим-тарбиянинг, одоб-ахлоқингиз билан ишончимизни оқлайсиз. — Ёш оила қурувчилар мактабини ташкил этишдан асосий мақсад, — дейди биз билан суҳбатда Оила маросимлари маркази раҳбари Уктамхон Кодирова, — ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий билимларини ошириш ва аждодларимиз меросига ҳурмат, Ватанга садоқат, истиқлолга фидойилик туйғуларини сингдириш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни, оиланинг муқаддаслигини, уни асраб-авайлаш зарурлигини тушутириш, тиббий қуриқнинг моҳияти, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, бўлажак келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлашга қўмаклашиш каби бир қатор эзгу ишларга қаратилган. Эътиборлиси, кейинги

Спорт янгиликлари

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ПЕКИНГА БОРИШАДИ

ШАҲРИМИЗДА ЕНГИЛ АТЛЕТИКА БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН РЕСПУБЛИКА ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАРИГА КЎРА ЎЗБЕКИСТОНДА 4 НАФАР СПОРТЧИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЁЗИДА ХИТОЙ ПОЙТАХТИ ПЕКИНДА ЎТАДГАН ОЛИМПИАДА ҲИТОЙЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.

Гап шундаки, Олимпиада ўйинларига йўланма берувчи ушбу мусобақаларнинг 110 метрга тўсиқлар оша югуриш баҳсида Олег Норматов, баландликка сакраш йўналишида Леонид Андреев, ўн курашда Павел Андреев, етти курашда эса Юлия Тарасовага тенг келадиган спортчилар топилмади. Республика очик чемпионатида мамлакат чемпионлигини қўлга киритган ушбу спортчиларимизга Олимпиада ўйинларида ҳам омад ёр бўлсин деймиш.

ҚУРЪА НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

МАЛАЙЗИЯНИНГ КУАЛА-ЛУМПУР ШАҲРИДА ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ ТАШАБУСИ БИЛАН ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ЧОРАК ФИНАЛ БАҲШЛАРИГА ҚУРЪА ТАШЛАШ МАРОСИМИ УЮШТИРИЛДИ.

Қуръа натижаларига кўра Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги «Қурувчи» жамоаси Осие чемпионлар лигасининг ярим финал йўланмаси учун Эроннинг «Сайпа» командаси билан куч

синашадиган бўлди. Чорак финалнинг дастлабки учрашуви Эронда 17 сентябрь кўни бўлиб ўтса, орадан бир ҳафта ўтиб Тошкентда ҳам кўнгули жавоб баҳси ўшатилади. Агар «Қурувчи»га ярим финал йўланмаси насиб этса, Япониянинг «Кашима Антлерс» ҳамда Австралиянинг «Аделайда Юнайтед» жамоалари жуфтлиги қўлиб билан куч синашди. Омад қўлиб боқиб, Миржалол Қосимов шогирдлари финал йўланмасини қўлга киритса, жавоб учрашуви Тошкентда ўтказилади.

ЁШЛАРГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

ФУТБОЛ МУХЛИСЛАРИГА МАЪЛУМКИ, 2 ИЮНДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИ ДОИРАСИДА СИНГАПУР — ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ГУРУҲ БАҲСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Ушбу беллашувидаги жиддий ҳозирлик кўраётган Рауф Инилеев бош мураббийлигидаги ҳамюртларимизга ғалаба жуда зарур. Уйин арафасида Рауф Инилеев терма жамоамиз аъзолари рўйхатини эълон қилди. Шуниси эътиборлики, бу сафар Рауф Инилеев машғулотларга «Локоматив» дан Олим Науқаровни, «Қурувчи» жамоасидан дарвозабон Мурод Зухуровни ҳам жалб этган. «Қурувчи»нинг яна бир аъзоси Жасур Хасанов кўп йиллик танаффусдан сўнг терма жамоа либосида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди. Дарвоқе, рўйхатдан 26 нафар футболчи ўрин эгаллаган.

Биз эса кўп минг сонли мухлислар номидан Сингапурда ўтадиган баҳсда терма жамоамизга ғалаба ёр бўлишини тилаб қоламиз.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИББИЙ ФАОЛИЯТНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШДА ЯНГИ ТАЛАБЛАР

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 апрелдаги «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №61-сонли қарорига асосан, тиббий фаолиятни амалга ошириш учун илгари берилган лицензиялар лицензиялар ушбу қарорда белгиланган янги лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ бўлган тақдирда, ушбу қарор чиққан кундан бошлаб 5 йил мобайнида амал қилади.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тиббий фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар қатъий равишда ушбу қарорга мувофиқ берилишини таъминлаш, илгари берилган лицензия эгаларининг ушбу қарорда белгиланган лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини кўриб чиқиш ҳамда эгалари мазкур талаблар ва шартларга жавоб бермайдиган лицензияларнинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш чора-тадбирларини амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 апрелдаги «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №61-сонли қарори оммавий ахборот нашрларида, шу жумладан «Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетасининг 2008 йил 18 апрелдаги № 14 сониди ва газетанинг интернетдаги расмий www. uzss. uz саҳифасида эълон қилинган.

Маълумот учун телефонлар: (371) 241-17-01, 241-18-01, 241-82-40. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 17 июнь кўни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига

ҚУЙИДАГИ МУЛКНИ ЖАМЛАНМА ҲОЛДА ҚЎЙМОҚДА:

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 22 февралдаги 10-0604/517-сонли, ва 2007 йил 5 октябрдаги 10-0714/143-сонли ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри С.Раҳимов тумани, Сағбон 30-тор кўчаси, 8-уй манзилдаги «Топозет» МЧЖга тегишли ум.майдон 1687 кв.м. бўлган икки қаватли бино ҳамда вафли маҳсулоти ва шоколад глазури ишлаб чиқариш ускунаси. Бошланғич баҳоси-1 821 189 000 сўм.

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашининг учун харидорлар тўлов ҳужжатига мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридagi закат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев, 1. Тел: 238-69-94, 238-69-93. Лицензия DB001-000010.

Йилларда тингловчиларимиз сафи кундан кунга ортиб, ёшларнинг мактаб фаолиятига қизиқишлари кучайиб бормоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки ёш оила қурувчилар мактаби Республика Конститутцияси, Фуқаролик, Оила кодекслари, Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро Конвенция, Республика Хотин-қизлар кўмитасининг 2005 йил 16 декабрдаги бошқарув йиғилишида тасдиқланган «Ёшларни ҳаётга тайёрлаш ва оилалар ажримининг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлар дастури», Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг кўрсатмалари асосида, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими, Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, прокуратура, ички ишлар бошқармаси, фуқаролик суди, тиббий ҳудудий бирлашмаларнинг туман бўлимлари, «ЖАР» спорт-соғломлаштириш комплекси, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи каби бир қатор ҳамкор ва хомий ташкилотлар ҳамкорлигида иш юритаётган ушбу мактаб машғулотларида етук олимлар, ёзувчи, шоирлар, турли соҳанинг етакчи муассислари иштирок этиб, ёшларнинг ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Албатта «Оила — муқаддас Ватан» мактаби машғулотлари жисмонан соғлом, баркамол авлод қамолоти йўлидаги саъй-ҳаракатларга ҳамоанглиги билан эътиборга сазовордир.

Бўлиб ўтаётган якуний машғулотга келсак унда тингловчиларнинг барчасига сертификат, Фаол иштирокчи ва ўқувчи-ёшларга Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Ёшликка хос кўвнок ўйин-қулғу, саҳна кўринишлари ва қўшиқ-яллар билан ўтган ушбу тадбир барчада яхши таассурот қолдирди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Оила — муқаддас Ватан» мактаби якуний тадбирдан лавҳалар

МАЛАЙЗИЯДА ЎҚУВ-ЙИҒИН МАШГУЛОТЛАРИ

4-19 ОКТАБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДиган ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДАГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ ЖИДДИЙ ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА.

Сўнги уч кун давомида пойтахтда қисқа йиғин машғулотларини ўтказган Роберт Гай шогирдлари учун навбатдаги ўқув йиғин машғулотлари Малайзияда ташкил этилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон футбол федерациясида сафар олдида матбуот анжумани ўтказилди.

Унинг ионга қадар Малайзияда ўтадиган ўқув йиғин машғулотларида иштирок этиш учун мураббий йиғирма беш нафар футболчини таркибга жалб этган. Бош мураббий таркибга биринчи лига вакили «Машвал-академия» жамоаси аъзоси Хусниддин Очиловни ҳам тақлиф этди.

Малайзияда ўн олти ва ўн етти ёшга қа бўлган миллий термалар ҳамда маҳаллий клуб билан тўртта ўртоқлик учрашувини ўтказиш режалаштирилган. Роберт Гай сафар арафасида истеъдодли ярим ҳимоячи Максим Уткиннинг жароҳат олгани сабаб у бўлажак машғулотларда қатнашмаслигини маълум қилди.

— Ўқув йиғин машғулотларини ўтказиш учун Малайзияни танлаганимизнинг сабаби ҳозирда ушбу мамлакат ўсмирлар терма жамоасининг чиройли ўйин намойиши этаётганидир, — деди Р. Гай. — Малайзия ўсмирлар терма жамоаси Осие чемпионатида биз билан битта гуруҳдан ўрин олмагани ҳам бунга сабаб бўлди. Агар биз улар билан бир гуруҳдан жой олганимизда албатта ушбу ўртоқлик учрашувларига розилик беришмас эди.

Терма жамоа Малайзия сафаридан қайтган Тошкентда 13-21 июн кунлари ташкил этиладиган турнирда иштирок этади. Унда вакилларимиз билан бирга Жанубий Корея, Хитой ва Малайзия ўсмирлар термалари ҳам иштирок этади.

Эслатиб ўтамиз, октябрь ойида ўтадиган қитъа чемпионатида ўзбекистонлик ўсмирлар Эрон, Сингапур ҳамда баҳаринлик тенкурлари билан "А" гуруҳда ўзаро куч синашди.

Қитъа чемпионатида совринли ўринларни қўлга киритган жамоалар жаҳон чемпионатида йўланма олади.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

Мунажжим башорати

30 МАЙ, ЖУМА Бугунги кун рамзи — Тошбақа сусткашлик, вақт дарпардалари ортига кириб боришни, Чиганок — ахборотлар ҳазинасини англавади. Бугун шоққалқликка йўл қўйиб бўлмайдми. Кунни кўпроқ танҳоликда ўтказишга ҳаракат қилинг. Бошлаб қўйган ишларингизни ниҳоясига етказишингиз мумкин, аммо янги ишга зинҳор кўл урманг. Ҳар қандай ишни хотиржам ва шоймаъ баҳаринг.

Нихоқ тўйларни, зеб-зийнатлар тақиб юриш, сайру саёхатлар, янги уйга кўчиб кириш, транспорт воситалари, уйлар ва салоҳиятли кишилар билан боғлиқ амалиётлар хайрли бўлади. Беғамлик, муаммо ва йўқотишлардан қочиш — бугунги куннинг муҳим аломатлари ҳисобланади.

Тушларингиз янгиликларни жорий этиш, аёл киши ва унинг маслаҳатларига таяниб, қандай муваффақиятларга эришишингиз тўғрисида хабар беради. Тез орада бўлмаса-да, жуда муҳим воқеаларда ўнгиингизда содир бўлади.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашрий-матбос акциядорлик компанияси босмоҳонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 406

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Мағбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусxada босилади. Қозоқ бичими А-2